

КАСБИЙ МУҲИМ СИФАТЛАР КАСБИЙ ФАОЛЛИКНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ СИФАТИДА

Чинмуродова Ферузабону Телмон кизи

Бухоро инновациялар университети магистранти

Маълумки, ёш авлодга таълим-тарбия беришдек масъулиятли фаолият педагоглар томонидан амалга оширилади. Ўз навбатида бўлажак мутахассис танлаган касбига нисбатан тайёргарликни амалга ошириш лозим. Шундай экан, жамиятимизнинг таянчи ва келажагини белгилаб берувчи ёш авлодни ҳар томонлама камолга етказишда мазкур соҳа вакилларининг ўрни бекиёсдир.

Айниқса, бўлажак педагогларни таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил қилишлари учун авваламбор, касбий сифатларни ўзларида шакллантиришлари лозим. Шу ўринда, касбий тайёргарлик тушунчасининг мазмунига эътибор берамиз. Касбий фаоллик-муайян касб бўйича муваффақиятли ишлаш имкониятини таъминловчи махсус билим, кўникма, малака, одат, сифат, хусусиятлар, меҳнат тажрибаси ва хулқ-атвор меъёрларига эга бўлишлиқдир.

Кўпгина жаҳон ва хориж олимларининг таъкидлашича, бугунги кунда касбий сифатларни шаклланиши ўзининг аҳамиятлилик даражасига кўра инсон эҳтиёжлари орасида биринчи ўринга кўтарилмоқда. Бу тушунча ижтимоий назария ва амалиётнинг муаммолари мажмуаси билан боғлиқ бўлиб, педагогика фанининг марказий қисмидан жой олган. Касбий сифатларнинг иқтисодий, ижтимоий, ижтимоий-маданий шароитлар таъсирида ўзгарувчи алоҳида турлари тадқиқ қилинган.

Ижтимоий динамика фақатгина ижтимоий ролларнинг ўзгариши билан эмас, балки сифатли, эгилувчан ва етарли даражада тезкор мутахассисларни тайёрлашга нисбатан янги талабнинг пайдо бўлиши билан ҳам боғлиқдир. Маиший, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳадаги янги муаммолар доимо

касбий мезонларни тараққиётини талаб қилади ва бу эса соҳа мутахассисларини касбий ўзини ўзи англаш, шахснинг касбий шаклланиши муаммоларини назарий ғоялар билан бойитишга нисбатан интилишларини кучайтиради.

Замонавий тадқиқотларда касбий сифатлар шахс касбий тараққиётининг асосий мезони ва меҳнат субъектининг етакчи характери сифатида ажратиб кўрсатилмоқда. Ушбу нуқтаи назар, жаҳон меҳнат бозоридаги мавжуд касбий тараққиёт мезонларини, ходимнинг самарали фаолияти даражасидан мутахассиснинг тавсифномаси даражасигача ривожланишини мантиқий ёритилиши ҳисобланади. Мутахассис меҳнат субъекти сифатида ходимдан фарқли равишда унинг ўзи фаолият мақсадини кўяди, унга эришиш йўли ва воситаларини аниқлайди, фаолият натижасига нисбатан масъулиятни ўз зиммасига олади. У фаолиятни тўлиқ бошқаради, турли амалий вазиятлардан чиқиш йўллари биледи, фаолиятни ташкил қилиш, унинг ўзгариши ва тараққиётини олдиндан кўра билиш қобилиятига эгадир.

Касбий муҳим сифатлар шахснинг муайян касбга яроқлилик даражасини кўрсатувчи жисмоний ва психик сифатлари йиғиндиси. Касбий муҳим сифатлар у ёки бу маҳсулдор фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўладиган индивидуал-психик ва шахсий сифатлардир.

Илмий адабиётларда касбий муҳим сифатлар тор ва кенг маъноларда қўлланилади. “Субъект фаолиятининг касбий муҳим сифатлари” кенг доирада В.А.Бодров [2]томонидан талқин қилинган. Касбий муҳим сифатлар- бу шахснинг барча психологик сифатлари ва физиологик хусусиятларининг йиғинидиси бўлиб, улар ўрганиш ва фаолият жараёнини муваффақиятли бўлишини таъминлайди. Улар ҳар бир фаолият учун махсус (таркиби бўйича, зарурлик даражаси бўйича, ўзаро боғлиқлик характери бўйича) ва улар профессиограмма ва психограммалар ёрдамида аниқланади.

В.Д.Шадриков [1]нинг фикрига кўра, касбий муҳим сифатларга яна субъектнинг турли хусусиятларини қўшиш уларни фаолиятга киришишини ва самарадорлигини белгилаб беради ҳамда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари,

меҳнат сифати ва ишончилигига мос келади. В.Д.Шадриковнинг таъкидлашича, касбий муҳим сифатлар ташқи таъсирлар ва фаолият талаблари асосида ички шарт-шароитларда юзага келади.

А.В.Карпов [3]нинг изланишларига кўра, касбий муҳим сифатлар 4 та асосий гуруҳга бўлинади.

1. Абсолют касбий муҳим сифатлар-хусусият берилган топшириқни минимал ёки белгиланган меъёр асосида бажарилиши.

2. Нисбий касбий муҳим сифат-субъект томонидан юқори миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўлиши имконини беради.

3. Қарши касбий муҳим сифатлар-у ёки бу касбий фаолиятга қарши турувчи хусусият. Касбий яроқлилиқни минимал даражага туширади ёки ривожланиш бўлмайд.

4. У ёки бу фаолиятни қайтадан кўриш-бунда тадбиқ этилаётган жараёнга мотивацион тайёргарлик. Келажакда малакали мутахассис ва ишчилар учун касбий муҳим сифатларнинг шаклланиши мактаб давридаёқ бошланиб, кейинчалик бошланғич, ўрта касб таълимида ривожлантирилиб, мукаммаллашиб боради.

Таъкидлаш жоизки, касбий муҳим сифатлар кўпқиррали тушунча сифатида гавдаланади. Шу нуқтаи назаридан олганда касбий муҳим сифатларни иккита категорияси мавжуд: биринчидан, касбий муҳим сифатлар фаолият кўрсаткичлари билан тавсифланади. Иккинчидан, касбий муҳим сифатлар бошқа сифатлар билан узвий алоқадорликда бўлади.

Ўқитувчининг шахслилик ва касбий тайёргарлик даражаси (обрў-эътибори, намунаси) қанчалик юқори бўлса, ўқувчилар билан таълим ва тарбиявий муносабатларни яхши йўлга қўйса, ўқитувчининг фикрлари, ўқувчи хулқ-атвори ва меҳнатига бераётган баҳоси, унинг ўз ютуқ ва нуқсонларини қандай изоҳлашларига таъсир этади.

Ўқув-тарбия жараёнида эришилган ютуқни ўқувчининг ўзи изоҳлаб бериши, тасодиф ёки омад келиши деб билишдан кўра кучлироқдир. Ўқувчиларнинг хизмати тан олинандиган, тўғри баҳоланандиган таълимий

жараён, ўзи яхши ўқиши мумкинлиги тўғрисида тасаввур ва билим эгаллашга бўлган ижобий муносабатларнинг шаклланишига ёрдам бериши мумкин. Ўқитувчининг шахсий намунаси ва обрў-эътибори таълим-тарбия жараёнида болада қатъий нуқтаи назар шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Назариётчи Гизела Лейбоуви-Вифнинг фикрича, талабаларда касбни эгаллашнинг шаклланиши уларда мажбурият ва жавобгарлик ҳиссининг таркиб топиши билан боғлиқдир [3]. Уларда ана шундай сифат ва кечинмалар тўла шаклланган бўлса, билимларни эгаллаш ёки касбий камолот учун ҳеч нарса тўсиқ бўла олмайди.

В.А.Сластенин, В.П.Каширинларнинг фикрича, ўзини намоён қилиш асосан ижтимоий муҳит билан шахснинг фаолият кўрсатиши ўртасидаги ўзаро таъсир жараёнида юзага келади [2]. Гарчи, шахснинг ўзлигини, ўз хулқини намоён этишнинг механизмлари бевосита унинг ўзида бўлса ҳам, ана шу хулқи, хатти-ҳаракатлари, қилиқлари, муомала-муносабат кўринишлари унинг фаолияти орқали ижтимоий муҳитда содир бўлади.

Жумладан, ёш мутахассиснинг касбий педагогик жиҳатдан ўзини намоён этиш соҳалари касбий педагогик фаолият, бирор ижтимоий ролни бажариш ва ижтимоий-психологик (жамоадаги ўзаро муносабатлар) тизимидан иборат. Муаллифларнинг таъкидлашича, шахснинг ўзини намоён этиши касбий тайёргарликка эга бўлган ёш педагог учун ҳам тўла тааллуқли бўлиб, у асосан уч босқичда: тайёргарлик босқичи, асосий босқич ва яқунловчи босқичларда амалга ошади.

Тайёргарлик босқичида шахс ўзлигини аниқлайди, яъни ўзини намоён қилиш эҳтиёжини англайди, ўз нуқтаи назарини, атроф-борлиққа муносабатини белгилайди, фаолияти мақсадларини ойдинлаштиради, жамоанинг расмий ва норасмий тузилмаларида ўзининг ўрни ва ролини аниқлайди, ўз хатти-ҳаракатлари, хулқ-одоби, кўзлаган мақсадларини рўёбга чиқаришнинг восита ва усулларини асослаб, белгилаб олади. Асосий босқич шахснинг ўзини намоён қилиш мақсадларини амалга ошириш жараёнидир. Яқунловчи босқичда-шахс ўзини намоён этиш соҳасида эришган натижалар

баҳоланади, қийинчиликларнинг сабаблари аниқланади. Ўз ўрнини тўғри белгилаб олиш – ўзини намоён этишнинг муҳим босқичи ҳисобланиб, унинг мазмуни ва характерини белгилайди, эришилган натижа ҳам шунга яраша бўлади.

Бир қатор тадқиқотчиларнинг изланишларига кўра, педагогнинг касбий муҳим сифатлари сирасига қуйидагиларни киритиб ўтадилар:

- билимдонлик;
- мақсадни кўзлаш;
- амалий ва диагностик тафаккур;
- интуиция;
- кузатувчанлик;
- топқирлик;
- олдиндан кўра олиш;
- рефлексия.

Шунингдек, педагоглик мураккаб касб эканлигини назарда тутган ҳолда А.В.Карпов қуйидаги касбий муҳим сифатлар хослигини таъкидлайди [1]:

- касбий кузатувчанлик;
- таълим жараёни билан боғлиқ зиддиятларда ўзини бошқара олиш;
- ўқувчи шахсининг ҳаётини эҳтиёткорлик билан кузатиб бориш;
- ўқувчи шахсининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда муносабатда бўлиш;

-ўқувчилар билан мулоқот, муомала ўрната олиш қобилиятига эга бўлиш.

Шу ўринда В.Г.Риндакнинг касбий муҳим сифатлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатади [3]:

1.Ўқитувчининг билим даражасига ўқитувчининг умумий маданияти, ўқитиладиган фанини билиши, ўқитиладиган фан методикаларини билиши, таълим фалсафасини билиши, психологияни билиши, етакчи педагогик технологиялар ва инновацияларни билиши, социологияни билиши, физиологияни билиши, ўқувчининг ақлий фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиш жараёнлари ҳамда ўқувчининг ўзига хос хусусиятларини

билиши.

2.Ўқитувчи фаолияти натижаларига ўқувчиларда мустаҳкам ва чуқур фанга доир билимларнинг бўлиши, ўқувчиларда фанга бўлган қатъий қизиқишнинг шаклланганлиги, ўқувчиларда фан бўйича билимларни ўқув ва дарсдан ташқари фаолиятда мустақил қўллаш, мустаҳкам кўникма ва малакалар, ўқув меҳнати малакаларининг мавжудлиги, ўқувчиларнинг ижодий қобилияти ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган қобилиятнинг шаклланганлиги, ўқувчилар тафаккурининг ривожланганлиги.

3.Гностик кўникмаларига мустақил таълим олиш йўли билан ўз билимларини тизимли бойита олиш кўникмаси, ҳамкасбларнинг тажрибасини ўрганиш орқали ўз билимларини тизимли кенгайтира олиш кўникмаси, реал педагогик жараёнда янги билимларни олиш кўникмаси, ўқувчилар шахси ва жамоа қобилиятлари, уларнинг ривожланиш даражаси ва таълим-тарбия натижаларига таъсир этувчи шароитларни юзага чиқариш мақсадида ўрганиш кўникмаси, ўз шахси ва фаолиятининг ютуқ ва камчиликларини ўрганиш ва ўз фаолияти унинг мақсадларини амалга оширишга мувофиқ равишда қайта ташкил этиш кўникмаси, ўқув материали ўқув қўлланма, таълим воситаларининг методик таҳлил қила олиш ва амалий баҳолаш ҳамда уларнинг ижодий қўллаш кўникмаси.

4.Лойихалаштириш кўникмаларига дарс ва дарслар тизимини таълим мақсади, материал характери, таълим босқичларига мувофиқ равишда, фанлараро алоқани ҳисобга олган ҳолда режалаштириш, таълимда фанни ўзлаштиришнинг психологик қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда режалаштириш, ўқувчиларда учраши мумкин бўлган қийинчиликларини кўра билиш, ўқувчилар фаолиятининг бир мунча рационал турларини билиши, маълумотни ўзлаштириш ва уларнинг ўқувчиларга қийинчилик туғдиришини олдиндан мақсадга мувофиқ равишда аниқлаш, дарс олиб боришнинг самарали метод ва усулларини аниқлаш, синфдан ташқари ишларини, фан бўйича ўқув-тарбиявий жараён мақсад ва вазифаларини биргаликда режалаштириш, дарснинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ равишда

кўргазмали кўролларни лойиҳалаштириш ва яратиш кўникмаси, кўргазмалилик вазиятлари ва Т.Т.В (таълимнинг техник воситалари) ни дарс ва синфдан ташқари ишларда мақсадга мувофиқ равишда (методик мақсадга мувофиқ равишда) кўллаш кўникмаси, ижодий ишлар ва уй вазифаларини режалаштириш.

5.Конструктив кўникмаларига таълимнинг умумий ва хусусий мақсадларини ҳисобга олган ҳолда таълимнинг усул ва услубларини танлаш, ўқув материални унинг хусусиятлари ва ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасини ҳисобга олган ҳолда тўплаш ва меъёрга келтириш, материални осон ва енгилдан қийин ва мураккабга нисбатан тақсимлаш, дарсда кўргазмали кўролларнинг жойи ва хусусиятини аниқлаш; топшириқ ва машқ уларнинг ўқувчилар учун қийинлигини ортиб бориши тартибида тақсимлаш, маълумотларни ўзлаштириш жараённини назорат қилишнинг объектив усулларини ва кўникмаларининг шаклланган даражасини аниқлаш, ўқувчиларнинг у ёки бу фаолият туридаги вужудга келиш мумкин бўлган қийинчиликларини кўра билиш, ишнинг умумий, гуруҳий ва индивидуал шаклларини танлаш кўникмаси, вақтни дарснинг алоҳида босқичларига рационал тақсимланиш, бир босқичидан иккинчисига ўтишда мантиқийликка эътибор бериш, ҳар бир дарсда ўқувчиларнинг фаолиятларини бошқариш хусусиятлари ва дарс ўтишнинг ўзгарувчан вариантларини аниқлаш.

6.Ташкилотчилик кўникмаларига синф жамоаси ва уларнинг фаолиятини ушбу ўқувчилар жамоасининг бутун ўқув курси давомида ривожланиш динамикасини ҳисобга олган ҳолда педагогик жараённи мақсадга мувофиқ бошқаришни ташкил этиш, дарс жараённини педагогик фаолиятни илмий ташкил этишнинг асосий тамойилларига риоя қилган ҳолда амалга ошириш мақсадида ўз фаолияти ва ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш, жамоавий, гуруҳий ва индивидуал фаолият ва ўқувчиларнинг ўзаро ёрдамини рационал бирлаштириш, ўқувчилар қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда факультатив машғулотни ташкил этиш, ўқувчиларнинг кўргазмали воситалари ва Т.Т.В ни яратиш бўйича фаолиятларини ташкил этиш, синфдан

ташқари ишлар бўйича белгиланган режани амалга ошириш, баҳолаш ва коррекция қилиш, ўқувчиларнинг ўқув, меҳнат, ижтимоий фойдали, фаолиятга олиб киришнинг кўп образли шакллари қўллаш, педагогик вазифаларни ечими билан боғлиқ бўлган фаолиятни ташкил этиш кўникмаси, янги мулоқот усуллари қўллаш.

7.Коммуникатив кўникмаларига педагогик мақсадга мувофиқ муносабатларни ўрната билиш кўникмаси (ўқитувчи -синф, ўқитувчи-ўқувчи, ўқувчи-синф, ўқувчи-ўқувчи), жамоа ва ҳар бир ўқувчи шахсининг ривожланиб бориш тизимини намоён этиш, ўқувчиларда муваффақиятга ишоншни синдириш кўникмаси, ўқувчи шахсининг кучли томонларини топиш ва уни ўзига бўлган ишончини синдириш, ўқувчилар билан ўзаро муносабатларда талабчанлик ва адолатлиликни намоён этиш, авторитетни тан олиш орқали ўқувчиларга таъсир кўрсатиш, педагогик жараён иштирокчилари билан педагогик мақсадга мувофиқ ўзаро муносабатларни ўрнатиш ва ривожлантириш, низоларни бартараф этиш ва ҳал этиш.

8.Йўналганликка сўз ва ишнинг бирлиги, ўз касбига бўлган муҳаббат, жавобгарлик, виждонлилик, фаолият билан шуғулланиш, меҳнатсеварлик, ўқув-тарбиявий фаолиятдаги ижодкорлик, ўз фанига бўлган муҳаббат, болаларга бўлган муҳаббат.

9.Характерига ташаббускорлик, талабчанлик, адолатлилик, ҳушёрлик, сабрлилик, такт ҳисси, юмор ҳисси, мулоқатчанлик, ҳушчақчақ оптимистик, хайрихоҳлик, самимийлик.

10.Қобилиятларига онгнинг равшанлиги ва танқидийлиги, кўргазмалилик, ривожланган тассавур, хотиранинг мақсадга йўналганлиги, нутқнинг ифодалилиги, кузатувчанлик, эътиборлилик, артистик қобилият.

Юқорида келтирилган фикрлардан кўринадики, бўлажак ўқитувчиларда касбий муҳим сифатларни шакллантириш касбий фаолликнинг муҳим ва асосий шартларидан бири ҳисобланади. Шу боис, тайёрлаётган мутахассисларимизда нафақат билим, кўникма, малакаларни таркиб топтириш балки касбий муҳим сифат, қобилиятларни шакллантириш устувор вазифа

сифатида қаралмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Карандашев В.Н. Введение в профессию. М.: Смысл, 2000. - 288 с.
2. Митина Л.М. Учитель как личность и профессионал М., 1994
3. Харламов И. Ф. Педагогика. М., 1997.